**Пудрат шартномаси 06 -сон**

**Навоий ш.** **2022 йил “04” 08**

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги **Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қурнш бўйича инжиниринг компанияси ДУК Навоий вилояти худудий филиали** томонидан **низом** асосида рахбар **А.Н.Бўриев** бир томондан ва кейинги ўринларда **“Пудратчи”** деб юритиладиган **"Шохрухмирзо Навои" ХК** номидан Низом асосида дирекори **С.Турсунов** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. Шартнома предмети

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича **“Навоий шахар И.Каримов кўчаси 54-уйни фасад қисмини мукаммал ва жорий таъмирлаш”** объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган тендер натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг **(2022 йил “01” 08 даги 121991-сон баённома)** қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **ҚҚС билан 251 111 152 (икки юз эллик бир миллион бир юз ун бир минг бир юз эллик икки) сўм**ни ташкил этади.

3. Қурилишнинг шартномавий нархларини ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## III. Пудратчининг мажбуриятлари.

5. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “1” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- танлов натижаси бўйича ишлар бошланган кундан эътиборан объектни 30 кунда топшириш;
- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида 3 иш куни мобайнида хабардор қилиш;
- ёрдамчи пудратчи билан тузилган шартномалар киймати ўзгармасдан тузилиши белгилаб қўйилсин.
- қурилиш таваккалчилигини сугурта қилиш.

6. Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

7. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини, объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;
- Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- молиялаштириш жадвали 2 иловага мувофиқ пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

10. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

11. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу **75 333 345 (етмиш беш миллион уч юз уттиз уч минг уч юз кирк беш)** сўмни ташкил этади.

12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (2-илова)

13. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

14. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

## VI. Ишларни бажариш

15. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

16. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник назоратчи тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

17. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

18. Пудратчи Техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўради.

19. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 71-бандида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

23. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

24. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандаи кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

25. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

26. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

27. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва бошқа тегишли ташкилотларни ёзма равишда хабардор қилади.

28. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

29. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига ёзув киритилган ҳолда кейинги ишларни бажаришга киришади.

30. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

31. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 30 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

32. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ ҳудудларни, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

33. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## VII. Ишларини қўриқлаш

34. Пудратчи объектнинг Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

35. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

36. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

37. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

38. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## IX. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

39. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

40. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

41. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг IV бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

42. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## X. Кафолатлар

43. Пудратчи:
- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларига давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

44. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

45. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

46. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг V-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

47. Пудратчи нуқсонлар ва камчиликлар ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, ушбу масала Навоий вилоят иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## XI. Шартномани бекор қилиш

48. Буюртмачи:
- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

49. Пудратчи:
- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

50. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

51. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

52. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

53. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

54. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

55. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

56. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

57. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

58. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

59. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

60. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## XIII. Низоларни хал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Навоий вилоят иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XIV. Коррупцияга қарши кураш бўйича қўшимча шартлар

64.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в - бандига мувофиқ:- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

-бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган сиёсат ва қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу шартномани бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган вақтдан бошлаб шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча зарарни қоплайди.

## XIV. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабрга қадар.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

73. Мазкур шартнома тегишли ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга киради.

## XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

**“БУЮРТМАЧИ”**
**“ Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси ДУК Навоий вилояти худудий филиали**
Манзил: Навоий шаҳри,
А.Темур кучаси 4 уй
СТИР: 307910413
л/с: 400121860124017069902110001
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
Тошкент ш. МБББ ХХКМ
МФО: 00014, СТИР: 201122919

**Раҳбар: _______________ А. Бўриев**

**“ПУДРАТЧИ”**
***Шохрухмирзо Навои* х/к**

Манзил: Навоий шахар
Ойбек кучаси 33 уй
тел 91 134 54-44
СТИР: 303 371 914
Банк номи: АТБ
Кишлоккурилиш банк
МФО: 00 202
х/р: 2020 8000 9004 7914 1001
ОКЭД ______

**Раҳбар: ________ С.Турсунов**

YURIDIK XULOSA (Shartnoma yuzasidan)
O'zbekiston Respublikasining 29.01.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 21-moddasiga asosan shartnoma predmetining amaldagi qonunchilikka muvofiqligi yuzasidan huquqiy ekspertiza o'tkazildi. O'tkazilgan huquqiy ekspertizadan maqsad tomonlar o'rtasida tuzilgan shartnoma (bitim)ning predmeti, shartlari, tomonlarning javobgarlik masalalari hamda nizolarni hal qilish tartibi O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlariga muvofiqligi aniqlashdan iboratdir. Shartnomaning barcha shartlari O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining [illegible] va 28-boblari talablariga to'liq javob beradi. Mazkur Shartnoma O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunchiligiga muvofiq tarzda tuzilgan.

Объектда бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари

1-илова

**ЖАДВАЛИ**

| Ишлар тури ва номи | Ишлар ҳажми | Қиймати | 2022 йил учун қурилиш қиймати | | | | | | | | | | | | Ишлар тури кийматининг жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1-чорак | | | 2-чорак | | | 3-чорак | | | 4-чорак | | | |
| | | | январ | феврал | март | апрел | май | июн | июл | август | сентябр | октябр | ноябр | декабр | |
| Навоий шахар И.Каримов кўчаси 54-уйни фасад қисмини мукаммал ва жорий таъмирлаш | | 251 111 152,00 | | | | | | | | 75 333 345,60 | 175 777 806,40 | | | | 251 111 152,00 |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |

Ишларнинг номи ва тури ҳар бир аниқ ҳолда иншоотнинг хусусиятларига қараб аниқлаштирилади.
1. Мазкур жадвал шартнома (контракт)нинг иловаси ҳисобланади ва унинг ажралмас қисми деб қаралади.
2. Келгуси йилларда қурилиш ишлари учун ҳам шундай график тузилади.

**БУЮРТМАЧИ:**
Раҳбар
М.Ў.

**ПУДРАТЧИ:**
Раҳбар
М.Ў.

2-илова

**"Навоий шахар И.Каримов кўчаси 54-уйни фасад қисмини мукаммал ва жорий таъмирлаш" (босқичларга бўлган ҳолда) бўнак ва жорий молиялаштиришни ҳисобга олган ҳолдаги молиялаштириш жадвали**

| Молиялаштириш шарти | 2022 йил учун қурилиш қиймати | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ойлар | | | | | | | | | | | |
| | январ | феврал | март | апрел | май | июн | июл | август | сентябр | октябр | ноябр | декабр |
| 30 % бўнак(аванс) тўлови | | | | | | | | 75 333 346 | | | | |
| 65 % бажарилган ишлар далолатномаларига асосан | | | | | | | | | 163 222 249 | | | |
| 5 % тўлов кафолат муддати тугаганидан сўнг | | | | | | | | | 12 555 558 | | | |
| | | | | | | | | | | | | |

**БУЮРТМАЧИ:**
Раҳбар
М.Ў.

**ПУДРАТЧИ:**
Раҳбар
М.Ў.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Навоий вилоят хокими ўринбосари
______________ Б.Бобомуродов
"______" ______________ 2022 й.

**Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг 2022 йил 29 июлдаги VI-35-99-5-0-К/22-сонли қарорига асосан "THOMPSON" нодавлат таълим муассасаси атрофидаги кўп қаватли уй-жойларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари бўйича 2022 йил учун дастлабки**

## М А Н З И Л Л И   Р Ў Й Х А Т И

| Т/р | МФЙ | Худудлар номи | Уй рақами | Қурилиш бошланиши ва тугалланиш йили | Фасад қисмини таъмирлаш | | Йўлакларни бетон қопламаси билан таъмирлаш (м2) | | Вело йўлакларни бетон қопламаси билан таъмирлаш (м2) | | Ташқи ёритиш тизимини таъмирлаш ва янгилаш (дона) | | Отмостка қисмини бетон қопламаси билан таъмирлаш (м2) | | Болалар майдончасини қуриш (м2) | | Воркаут майдончасини таъмирлаш (м2) | | 2022 йил маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан жами капитал қўйилмалар | 2023 йил жами капитал қўйилмалар | 2022 йил иқтисод қилинган маблағлари ҳисобидан жами капитал қўйилма-лар | 2022 -2023 йил жами капитал қўйилма-лар | Қурилиш монтаж ишларининг умумий қиймати | Шу жумладан: Буюртмачи харажатлари | | | | Топшириш муддати | Экспертиза хулосаси санаси ва рақами | Тасдиқланган тасдиқ баённинг рақами ва санаси | Пудрат ташкилот номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | майдони(м2) | Талаб этиладиган маблағ (млн.сўм) | узунлиги (м2) | Талаб этиладиган маблағ (млн.сўм) | узунлиги (минг м2) | Талаб этиладиган маблағ (млн.сўм) | Сони (дона) | Талаб этиладиган маблағ (млн.сўм) | узунлиги (м2) | Талаб этиладиган маблағ (млн.сўм) | узунли-ги (м2) | Талаб этиладиган маблағ (млн.сўм) | узунли-ги (м2) | Талаб этиладиган маблағ (млн.сўм) | | | | | | Жами | ЛСХ экспертиза харажатлари | Тендер харажатлари | Буюртма техник ва бошқа харажатлари | | | | |
| Навоий шахар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Мурувват | И.Каримов кўчаси | 52 | 2022-2023 йил | | | 2000 | 430,8 | | | 2 | 18,6 | 470 | 93,0 | | | 138 | 127,3 | - | 670,2 | | 670,2 | 645,2 | 25,0 | 4,4 | 0,5 | 20,1 | 27 | 11.08.2022 №56040 | 13.09.2022 №16241 | "MIMAR GROUP" МЧЖ |
| 2 | Мурувват | И.Каримов кўчаси | 54 | 2022-2023 йил | | | 1360 | 349,1 | | | 3 | 29,7 | 470 | 94,0 | 83 | 95,0 | 81 | 97,2 | - | 665,5 | | 665,5 | 640,6 | 24,8 | 4,4 | 0,5 | 20,0 | 27 | 11.08.2022 №56040 | 13.09.2022 №16242 | "MIMAR GROUP" МЧЖ |
| 3 | Мурувват | И.Каримов кўчаси | 56 | 2022-2023 йил | | | 635 | 380,1 | 250 | 61,1 | 2 | 17,4 | 410 | 72,0 | 385 | 141,0 | | | - | 672,0 | | 672,0 | 646,9 | 25,0 | 4,4 | 0,5 | 20,2 | 27 | 11.08.2022 №56040 | 13.09.2022 №16243 | "MIMAR GROUP" МЧЖ |
| 4 | Мурувват | Л.Толстой кучаси | 12 | 2022-2023 йил | 2670 | 184,9 | | | | | | | | | | | | | - | 185,4 | | 185,4 | 175,0 | 10,4 | 4,4 | 0,5 | 5,6 | 27 | 04.08.2022 № 54887 | 10.09.2022 №16121 | "MIMAR GROUP" МЧЖ |
| 5 | Мурувват | Л.Толстой кўчаси | 16 | 2022-2023 йил | 2670 | 160,3 | | | | | | | | | | | | | 160,8 | - | | 160,8 | 151,1 | 9,7 | 4,4 | 0,5 | 4,8 | 27 | 04.08.2022 № 54887 | 10.09.2022 №16210 | "MIMAR GROUP" МЧЖ |
| 6 | Мурувват | Л.Толстой кўчаси | 20 | 2022-2023 йил | | | 1750 | 338,7 | | | 2 | 18,6 | 730 | 85,0 | | | | | 14,1 | 428,7 | | 442,8 | 424,6 | 18,2 | 4,4 | 0,5 | 13,3 | 27 | 11.08.2022 №56040 | 13.09.2022 №16252 | "MIMAR GROUP" МЧЖ |
| 7 | Мурувват | Л.Толстой кўчаси | 12-16. | 2022-2023 йил | | | 1360 | 444,5 | 400 | 171,4 | 2 | 18,7 | 500 | 190,0 | | | | | 825,1 | | | 825,1 | 795,5 | 29,6 | 4,4 | 0,5 | 24,8 | 27 | 11.08.2022 №56040 | 13.09.2022 №16251 | "MIMAR GROUP" МЧЖ |
| 8 | Мурувват | И.Каримов кўчаси | 52 | 2022-2022 йил | 4800 | 259,9 | | | | | | | | | | | | | | | 259,9 | 259,9 | 246,1 | 13,8 | 6,0 | | 7,8 | 30 | 08.07.2022 №50455 | 01.08.2022 №124975 | "Таъмирлаш тиклаш" ДУК |
| 9 | Мурувват | И.Каримов кўчаси | 54 | 2022-2022 йил | 4800 | 265,1 | | | | | | | | | | | | | | | 265,1 | 265,1 | 251,1 | 14,0 | 6,0 | | 8,0 | 30 | 08.07.2022 №50455 | 01.08.2022 №121991 | "Shoxruxmirzo Navoiy" XK |
| 10 | Мурувват | И.Каримов кўчаси | 56 | 2022-2022 йил | 4800 | 265,2 | | | | | | | | | | | | | | | 265,2 | 265,2 | 251,2 | 14,0 | 6,0 | | 8,0 | 30 | 08.07.2022 №50455 | 01.08.2022 №121998 | "Shoxruxmirzo Navoiy" XK |
| 11 | Мурувват | Л.Толстой кўчаси | 20 | 2022-2022 йил | 9366 | 460,8 | | | | | | | | | | | | | | | 460,8 | 460,8 | 441,0 | 19,8 | 6,0 | | 13,8 | 30 | 08.07.2022 №50455 | 01.08.2022 №122008 | "OQ TULPOR ELETSTROY" МЧЖ |
| | Навоий шахар бўйича жами: | | | | 29106 | 1596 | 7105 | 1943 | 650 | 232 | 11 | 103 | 2580 | 534 | 468 | 236 | 219 | 225 | 1 000,0 | 2 621,8 | 1 251,0 | 4 872,8 | 4 668,5 | 204,3 | 54,6 | 3,5 | 146,2 | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Буюртмачининг жами харажатлари | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 204,3 | | | | | | | | | |
| | Тақсимланмаган лимит | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Навоий вилояти бўйича жами: | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 000,0 | 2621,8 | 1251,0 | 4872,8 | | | | | | | | | |

"КЕЛИШИЛДИ"
Навоий вилояти молия бошқармаси бошлиғи
______________ Д.Очилов
"_____" ______________ 2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"
Навоий вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи
______________ Н.Жуманиёзов
"_____" ______________ 2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"
"Уйжойфондинспекцияси"нинг вилоят худудий инспекцияси бошлиғи
______________ С.Омонов
"_____" ______________ 2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"
Навоий шахар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи
______________ Ф.Хаджиев
"_____" ______________ 2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"
"Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Навоий вилоят худудий филиали бошлиғи
______________ А.Бўриев
"_____" ______________ 2022 й.

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 121991 на приобретение Навоий шахар И.Каримов кўчаси 54-уйни фасад қисмини мукаммал ва жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 01.08.2022

Время рассмотрения 01.08.2022 10:18

Конкурсная комиссия Уй-жой эксплуатация хужалиги лифтларини алмаштириш, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | JUMANIYOZOV NURIDDIN MUZAFFAROVICH | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ҳудудий бошқармалари бошлиғи | Uy-joy komunal xizmat ko'rsatish hududiy boshqarmasi |
| **Секретарь комиссии** | MUXAMMADIYEV SANJAR QAXRAMONOVICH | Marketing bo'limi bosh mutaxassisi | KXUM va JT hamda ITOQ buyicha IK DUK Navoiy filial |
| **Член комиссии** | BO‘RIYEV ANVAR NORMAMATOVICH | филиал рахбари | KXUM va JT hamda ITOQ buyicha IK DUK Navoiy filiali |
| **Член комиссии** | Хамроев Зокир | bosh muhandis | KXUM va JT hamda ITOQ buyicha IK DUK Navoiy filial |
| **Член комиссии** | BURONOV XASAN NEMATILLOYEVICH | yuristkonsult | KXUM va JT hamda ITOQ buyicha IK DUK Navoiy filial |
| **Член комиссии** | Ruziyev Suxrobjon Erkinovich | раҳбари | "Уйжойфондинспекцияси"нинг вилоят ҳудудий инспекцияси бошлиғи |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 01.08.2022 года № лота 121991.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Работы по капитальному ремонту зданий** |
|---|---|
| Подробное описание | Навоий шахар И.Каримов кўчаси 54-уйни фасад қисмини мукаммал ва жорий таъмирлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 252 433 038.00 |
| Стартовая сумма | 252 433 038.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 20% банк айланма маълумотномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: талабгор ташкилотга хизмат кўрсатувчи банк томонидан 20% банк айланма маълумотномаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| LEADER SERVICE NAVOI **МЧЖ** | 7 | Илова қилинди | 7 | Экспертная | | |
| Shoxruxmirzo Navoiy XK | 7 | Барчаси мавжуд | 7 | Экспертная | | |

Критерий №2 Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингидаги ўрни камида СС гача 8 балл, ҳамда ССС ва ундан юқори қаторида бўлиши 10 балл (рейтинг маълумотини тасдиқланган ҳолда юклаш зарур)

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингидаги ўрни камида СС гача 8 балл, ҳамда ССС ва ундан юқори қаторида бўлиши 10 балл (рейтинг маълумотини тасдиқланган ҳолда юклаш зарур)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| LEADER SERVICE NAVOI **МЧЖ** | 18 | Илова қилинди | 18 | Экспертная | | |
| Shoxruxmirzo Navoiy XK | 18 | Барчаси мавжуд | 18 | Экспертная | | |

Критерий №3 Солик ва молиявий хисоботлар 01.01.2022 йил холатида

Тип: Текстовое значение

Описание: талабгор ташкилотга хизмат кўрсатувчи банк томонидан картотека К-2 да қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ тўловчининг my.soliq.uz порталидан солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида QR-кодли маълумотномалар тақдим этиши шарт.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| LEADER SERVICE NAVOI **МЧЖ** | 5 | Илова қилинди | 5 | Экспертная | | |
| Shoxruxmirzo Navoiy XK | 5 | Барчаси мавжуд | 5 | Экспертная | | |

Критерий №4 Гувохнома мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувохнома мавжудлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| LEADER SERVICE NAVOI **МЧЖ** | 5 | Илова қилинди | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Shoxruxmirzo Navoiy XK | 5 | Барчаси мавжуд | 5 | Экспертная | | |

Критерий №5 Молиявий холати туғрисида тахлилий жадвал (бажарган иш хажми, хисобланган иш хаки микдори)

Тип: Текстовое значение

Описание: Молиявий холати туғрисида тахлилий жадвал (бажарган иш хажми, хисобланган иш хаки микдори)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| LEADER SERVICE NAVOI **МЧЖ** | 10 | Илова қилинди | 5 | Экспертная | | |
| Shoxruxmirzo Navoiy XK | 10 | Барчаси мавжуд | 5 | Экспертная | | |

Критерий №6 Мавжуд техника ва жихозлар тўғрисида статистика бўлимидан маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Мавжуд техника (7 тадан кам бўлмаган) ва жихозлар (10 тадан кам бўлмаган) туғрисида асослантирувчи маълумотномалар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| LEADER SERVICE NAVOI **МЧЖ** | 10 | Илова қилинди | 8 | Экспертная | | |
| Shoxruxmirzo Navoiy XK | 10 | Барчаси мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №7 Ходимлар малакаси маълумоти тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи 3,5 йилдан кам бўлмаган 4 та олий маълумотли қурилиш мутахассислари туғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| LEADER SERVICE NAVOI **МЧЖ** | 10 | Илова қилинди | 10 | Экспертная | | |
| Shoxruxmirzo Navoiy XK | 10 | Барчаси мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №8 Доимий ишчилар сони 10 нафар ва ундан ортиқ бўлганда (доимий ишчига охирги 12 ой давомида иш хаки хисобланган бўлиши лозим мехнат ва солик базасидаги QR-кодли маълумотномалар)

Тип: Текстовое значение

Описание: Доимий ишчилар сони 10 нафар ва ундан ортиқ бўлганда (доимий ишчига охирги 12 ой давомида иш хаки хисобланган бўлиши лозим мехнат ва солик базасидаги QR-кодли маълумотномалар)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| LEADER SERVICE NAVOI **МЧЖ** | 15 | Илова қилинди | 10 | Экспертная | | |
| Shoxruxmirzo Navoiy XK | 15 | Барчаси мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №9 Олдинги даврда бажарган ишларни ўз вақтида сифатли бажарганлигини асослантирувчи хужжатлар хамда бюртмачи томонидан қўйилган ишларга ўхшаш обектлар қилинганлиги (Охирги 3-йиллик шартномалар, давлат далолатномалари ва охирги Ф-3 нусхалари)

Тип: Текстовое значение

Описание: Олдинги даврда бажарган ишларни ўз вақтида сифатли бажарганлигини асослантирувчи хужжатлар хамда бюртмачи томонидан қўйилган ишларга ўхшаш обектлар қилинганлиги (Охирги 3-йиллик шартномалар, давлат далолатномалари ва охирги Ф-3 нусхалари)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| LEADER SERVICE NAVOI **МЧЖ** | 20 | Илова қилинди | 10 | Экспертная | | |
| Shoxruxmirzo Navoiy XK | 20 | Барчаси мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| LEADER SERVICE NAVOI **МЧЖ** | 252 433 038.00 | 252 299 871.00 UZS | 252 299 871.00 | 00.00 | 252 299 871.00 | 27.07.2022 22:54:07 | 29.86 |
| Shoxruxmirzo Navoiy XK | 252 433 038.00 | 251 111 152.00 UZS | 251 111 152.00 | 00.00 | 251 111 152.00 | 29.07.2022 06:48:57 | 30.00 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| LEADER SERVICE NAVOI **МЧЖ** | 54.6 | 29.86 | 84.46 |
| Shoxruxmirzo Navoiy XK | 56 | 30 | 86 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 121991 от 01.08.2022 года на приобретение Навоий шахар И.Каримов

кўчаси 54-уйни фасад қисмини мукаммал ва жорий таъмирлаш определила победителем:

Shoxruxmirzo Navoiy XK
303371914

и резервный исполнитель: LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ (304209114)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | JUMANIYOZOV NURIDDIN MUZAFFAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BURONOV XASAN NEMATILLOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | Хамроев Зокир | Согласен | |
| **Член комиссии** | BO‘RIYEV ANVAR NORMAMATOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП